

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНСОН  
КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ.****Саидахмадов Алишер Маҳмуд ўғли**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети.

2 курс магистри.

**Аннотация.** Мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида инсон капиталини ривожлантириш йўналишлари берилган. Шунингдек мақолада Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт шароитида инсон капиталини ривожлантиришнинг институтционал асоси ва инсон капиталини тадқиқ этган олимларнинг фикрлари берилган.

**Калит сўзлар.** Инсон капитали, рақамли кўникмалар, рақамли иқтисодиёт, рақамли саводхонлик, таълим платформалари.

**Abstract.** The article presents directions for the development of human capital in the digital economy. The article also presents the institutional basis for the development of human capital in the digital economy in Uzbekistan and the views of scientists who have studied human capital.

**Keywords.** Human capital, digital skills, digital economy, digital literacy, educational platforms.

**Кириш**

Инсон капитали — ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий тараққиётининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт шароитида, яъни саноат ва хизматлар соҳасидаги рақамлаштириш ва технологик инқилоблар орқали иқтисодий самарадорликка эришишда инсон капитали янада катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, инсон капиталини ривожлантириш жараёни, аҳолига янги маҳоратлар ва билимларни олиш имкониятини яратиш орқали аҳолининг ишбилармонлик салоҳиятини оширишга, иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланишга катта ҳисса қўшади.

Рақамли иқтисодиётнинг бошқаруви ва технологияларнинг кенг тарқалиши инсон капиталига бўлган талабни кескин оширди. Бугунги кунда замонавий иқтисодий жараёнларнинг асосий омилларидан бири шундан иборатки, инсон ресурслари фақат маълумотлар билан ишлаш ёки тўғридан-тўғри жисмоний меҳнат билан чекланмай, балки интеллектуал ва рақамли маҳоратига эга бўлиш лозим. Инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган чоралар, ўз навбатида, нафақат ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, балки жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши ва ахборот технологияларининг жадал тараққиёти, иқтисодий жараёнларнинг янги талаblари ва имкониятларини яратмоқда. Бу ўз навбатида инсон капиталига бўлган талабни кучайтириб, аҳоли ўртасида рақамли билимларни оширишга ва янги кўникмаларни ривожлантиришга катта аҳамият қаратишни талаб этмоқда.

Қулай шароитлар ва иқтисодий инқилоблар орқали Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири — инсон ресурсларини ўзгартириш, яъни аҳолининг рақамли кўникмаларини ошириш, интеллектуал салоҳиятни мустаҳкамлаш, ва янги иш ускуналарини ёки технологияларини жорий қилишдир. Ҳозирда мамлакатда турли давлат дастурлари ва лойиҳалар орқали, айниқса ёшлар ўртасида рақамли маҳоратларни ривожлантиришга йўналтирилган кўплаб ташаббуслар мавжуд.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рақамли Ўзбекистон-2030" Фаромонининг "Ахборот технологиялари соҳасида таълим бериш ва малака ошириш" номли устувор йўналишининг "Инсон капиталини ривожлантириш, шу жумладан, ихтисослашган таълимни ривожлантириш ҳамда ИТ-соҳасидаги касбларни оммалаштириш, ИТ-корхоналар учун институционал шароитларни яхшилаш ва маъмурий

тўсиқларни камайтириш” номли мақсадида шахсий кўникмаларнинг ва билимларнинг ривожланишини таъминлаш учун янгиланган таълим тизимининг шакллантирилиши муҳим қадамдир[1].

Шу билан бирга, рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнида миллий ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасида рақамли технологияларни жорий қилиш учун малакали кадрларга эҳтиёж ошиб бормоқда. Бу ҳолат мамлакатнинг кадрлар тайёрлаш соҳасидаги сиёсатига янги ёндашувларни талаб этади. Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигида ташкил этилган тренинглар, кўрсатмалар ва таълим дастурлари орқали рақамли технологиялар соҳасидаги билимлар ва кўникмалар тармоқларнинг барқарор ривожланишини таъминлайди.

Шу сабабли, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва унга мослашиш учун инсон капиталини ривожлантириш жараёнини янги босқичга олиб чиқиш муҳимдир. Инсон капиталини ҳар томонлама ривожлантириш, айниқса рақамли кўникмаларни ва таълимни кучайтириш орқали, мамлакатнинг иқтисодий ўсишини ва инновацион салоҳиятни оширишга хизмат қилади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Рақамли иқтисодиёт шароитида инсон капиталига оид адабиётларни таҳлил қилиш, шу соҳага оид замонавий концепциялар, илмий тадқиқотлар ва уларнинг амалий қўлланилишига асосланган муаммоларни ўз ичига олади. Бу адабиётларнинг таҳлили, инсон капитали ва рақамли иқтисодиётнинг ўзаро алоқаларини, ҳамда бу муносабатларнинг иқтисодий ривожланишдаги аҳамиятини тушунишга ёрдам беради.

Т. Шульц, Г. Беккер, П. Друккер ва бошқалар ўз назарияларида инсон капиталининг асосий кўрсаткичи сифатида инсоннинг билим ва интеллектини кўрсатишади. Хусусан, Т. Шульц инсонни унинг қобилияти, таълим орқали олган билими нуқтаи назаридан кўриб чиқади, яъни ҳар бир маълумотли инсон муайян даромад олиш имкониятига эга бўлган фаолиятида

фойдаланиши мумкин бўлган манбага эга ҳисобланади. Хусусан, у шундай ёзади: “Агар таълим иқтисодиёт учун муҳим бўлган ишлаб чиқаришга таъсир этса, бу капитал шакли ҳисобланади”[2].

Эрик Бриньолфссон ва Эндрю Макафи томонидан ёзилган "The Second Machine Age" номли асари рақамли иқтисодиётнинг тараққиёти билан боғлиқ ижобий ва салбий оқибатларини таҳлил қилган. Улар рақамли технологияларнинг ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва инсон капиталига оид талабларига қандай таъсир қилишини кўрсатиб ўтган”[3].

Л.Левитас ва П. Тейлорнинг асарларида таълим тизимининг рақамли технологиялар билан интеграцияси ва рақамли кўникмаларни оширишга қаратилган таълим дастурлари ва тренинглар мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилади. Муаллифлар рақамли иқтисодиёт талабларига мос билимларга эга кадрлар тайёрлашнинг муҳимлигини таъкидлайдилар.

Рақамли иқтисодиёт шароитида инсон капиталини ривожлантиришда таълимнинг муҳим роли бор. Кўплаб адабиётларда таълим тизимининг рақамли технологиялар билан интеграцияси ва рақамли кўникмаларни ўсиштишга қаратилган таълим дастурлари ва тренинглар мавжудлигига эътибор қаратилади. Улар рақамли иқтисодиёт талабларига мос билимларга эга кадрлар тайёрлашнинг муҳимлигини таъкидлайди.

Иқтисодий Ҳамқорлик ва Тараққиёт Ташкилотининг "The Future of Work" бўйича ҳужжатида рақамли кўникмаларнинг аҳамияти ва уларни ривожлантириш учун талаб қилинган таълим дастурлари таҳлил қилинган. Бу ҳисоботда таълим тизими ва ишлаб чиқариш орқали инсон капиталини мустаҳкамлаш зарурлигига урғу берилган”[4].

Инсон капиталига оид адабиётларда рақамли иқтисодиётнинг меҳнат бозорига таъсири ҳам муҳим ўрин тутади. Рақамли технологиялар автоматлаштириш ва мавжуд иш ўринларини маълум бир турларини йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлади. Шунга мувофиқ, М.Чуй тадқиқотларда иш

ўринларининг тузилиши ва рақамли иқтисодиётга мослашиш борасида инсон капиталига бўлган талаблар баҳоланган”[5].

Рақамли иқтисодиётга оид адабиётларда инсон капитали ва рақамли технологиялар ўртасидаги алоқаларни таҳлил қилишга жиддий эътибор қаратилади. Бунинг учун билимлар иқтисодиёти, инновациялар, рақамли трансформация ва технологияларнинг меҳнат бозорига таъсирига оид тадқиқотлар асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот методологияси.** Рақамли иқтисодиёт шароитида инсон капиталини ривожлантириш, аҳоли билимлари, кўникмалари ва салоҳиятини оширишга қаратилган муҳим масалалардан биридир. Бу тадқиқотнинг мақсади рақамли иқтисодиётнинг инсон капиталига бўлган таъсирини ўрганиш, шу билан бирга, Ўзбекистондаги инсон капитали ривожланишининг самарадорлиги ва бу жараёндаги қонунчилик, таълим ва ишлаб чиқариш секторларининг ролини таҳлил қилишдир. Тадқиқотда замонавий методлар ва аниқ тадқиқот техникаларидан фойдаланиш мақсад қилинган. Хусусан тадқиқотда адабиётлар таҳлили, статистик таҳлил, соҳадаги сўнгги тенденцияларни таҳлили ва прогнозлаш амалга оширилган.

Тадқиқот чегаралари Ўзбекистон контекстидаги рақамли иқтисодиёт ва инсон капиталига оид муаммоларни ўрганиш билан боғлиқ бўлиб, тадқиқот натижалари умумлаштириш ва прогнозлашга қаратилган бўлади. Шу билан бирга, тадқиқотни бошқа давлатлар контекстидаги рақамли иқтисодиёт билан солиштириш, глобал тенденцияларни ҳам ҳисобга олиш имконини беради.

**Таҳлил ва натижалар.** Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши ва рақамли технологияларнинг кенг тарқалиши орқали аҳолининг рақамли кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган бир қатор муҳим дастурлар ва лойиҳалар амалга оширилган. Ўзбекистон ҳукумати ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган дастурлар асосан

аҳолини рақамли технологиялардан самарали фойдаланишга йўналтирилган.

Қуйида, охириги беш йилдаги асосий дастурларнинг таҳлили келтирилган.

Бугунги кунда республика бўйича 205 та рақамли технологиялар ўқув марказларида 400 га яқин янги иш ўринлари яратилган бўлиб уларда 2022 йилда жами 144 минг нафардан ортиқ тингловчилар, шу жумладан, 29 минг нафари давлат ходимлари ва 115 минг ёшлар малакаси оширилди. 2023 йил давомида ушбу марказларда жами 180 минг нафар ёшлар ва ходимлар ИТ йўналиши бўйича ўқитилиши режалаштирилмоқда[6].

Бундан ташқари таълим ташкилотлари, ОАВ ва бошқа ресурслар орқали рақамли майдонда кузатилиб турган кибержиноятларни олдини олиш ва улардан сақланиш мақсадларида медиасаводхонлик дарслари ва ахборот маълумотлари ташкиллаштирилган. Ушбу тадбирлар натижасида аҳоли орасида рақамли шахсий маълумотларни учинчи шахсларга бермасликдан тортиб фишинг ва бошқа кибержиноятларни олдини олишга қаратилган зарурий кўникмалар шакллантирилмоқда.

Шу билан биргаликда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини муваффақиятли амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан бири аҳолининг рақамли саводхонлигини оширишдан иборатдир.

**"Рақамли Ўзбекистон - 2030"** дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги № 6079 сонли фармонида асосан қабул қилинган бўлиб, мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли учун рақамли кўникмаларни оширишга қаратилган асосий ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Дастурда рақамли таълим, ахборот хавфсизлиги, давлат хизматларининг рақамли трансформацияси ва аҳолининг рақамли саводхонлигини оширишга йўналтирилган дастурлар ишлаб чиқилган. Бу дастурда, айниқса, ёшларнинг рақамли кўникмаларини ошириш, таълим тизимида рақамлаштириш, ва аҳоли учун рақамли платформаларни жорий этиш бўйича аниқ вазифалар қўйилган [7].

Жумладан, Стратегияга биноан давлат мактабгача таълим ташкилотларини 100 фоиз компьютер синфи билан таъминлаш орқали тарбияланувчиларда бошланғич компьютер саводхонлиги кўникмаларини шакллантириш ишлари олиб борилмоқда.

Ёшлар орасида рақамли саводхонликни тарғиб қилиш, ҳамда компьютер дастурлаш ва IT-соҳасига кенг жалб қилиш мақсадида “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси жорий қилинди ва ушбу лойиҳа доирасида ёшларга дастурлаш тилларини ўргатиш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистондаги асосий рақамли кўникмаларни ривожлантириш дастурлари, айниқса, таълим ва ёшлар билан боғлиқ соҳаларда муваффақиятли натижаларга эришди. Тадқиқотларга кўра, мамлакатда аҳолининг 60% дан ортиғи интернетдан фойдаланиш ва рақамли давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга. 2022 йилга келиб, рақамли таълим дастурларига қатнашган ёшларнинг сони икки бараварга ортган.

Рақамли кўникмаларга йўналтирилган дастурлар, айниқса, ходимларнинг рақамли салоҳиятини оширишга катта таъсир кўрсатди. **"IT Park"** ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликдаги лойиҳалар мамлакатда IT мутахассисларини тайёрлашда ва рақамли иқтисодиётда ишга жойлашиш имкониятларини оширишда муваффақиятга эришди. Айниқса, **"IT Park"** орқали ёшлар учун ишлаш имкониятлари ва стажировкалар жорий қилинди, бу эса ёшларнинг рақамли иқтисодиётга интеграциялашишига салбий таъсир қилган омилларнинг олдини олишга хизмат қилди.

Ўзбекистонда рақамли таълим платформаларининг ривожланиши аҳолига онлайн учун курслар ва малака ошириш имкониятларини яратди. Онлайн платформалар, масалан, **Coursera**, **edX**, ва **Stepik** каби халқаро сайтлар орқали мамлакатдаги аҳолига маълумотларни олиш ва рақамли кўникмаларни ошириш имконияти берилди.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётга мослашув жараёнида аҳолининг рақамли кўникмаларини оширишга қаратилган дастурлар ишчи кучини замонавий талабларга мослаштиришга ёрдам берди. Бундан ташқари, рақамли соҳадаги мутахассисларга бўлган талаб сезиларли даражада ошди, бу эса ишга жойлашиш ва рақамли иқтисодиётнинг тараққиётига туртки берди.

### **Хулоса**

Рақамли иқтисодиёт шароитида инсон капитали ривожланиши давлатлар ва ижтимоий тизимлар учун катта аҳамиятга эга. Инсон капитали – бу инсонлар билими, малакаси ва салоҳияти бўлиб, рақамли жамиятда иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликка олиб келувчи муҳим омил ҳисобланади. Рақамли технологиялар ва инновациялар ҳар бир соҳадаги ишлаш шакллариини ўзгартираётгани сари, инсон капиталининг ривожланиши учун тегишли таълим тизимларини, малака ошириш дастурларини ва рақамли кўникмаларни ривожлантиришга эътибор қаратиш зарур. Бу орқали биз рақамли иқтисодиётни самарали бошқариш ва замонавий иш жойларини яратишга эришишимиз мумкин. Рақамли иқтисодиёт шароитида инсон капиталини ривожлантириш йўналишлари сифатида қуйдагиларни таклиф этиш мумкин:

- Давлат ва хусусий секторлар орасида ҳамкорликни кучайтириш орқали рақамли кундалик иш жараёнларига мослашган таълим дастурларини жорий этиш. Ёшлар учун дастурлаш, маълумотларни таҳлил қилиш ва сунъий интеллектуал технологиялар соҳасида таълим берилиши керак.

- Янгиланиб бораётган рақамли иқтисодиёт шароитига мослашиш учун ишчиларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун давлат ва хусусий сектор томонидан тренинглар ташкил этиш лозим.

- Рақамли технологиялар орқали янги иш ўринларини яратиш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва одамлар учун янада кенг имкониятлар яратиш



муҳим. Шунингдек, рақамли иқтисодиёт соҳасидаги иш жойлари ҳақида аниқ ва ҳолис маълумотларни бериш керак.

- Инсон капиталини ривожлантиришда маълумотларни тўғри тўплаш ва улардан самарали фойдаланиш учун самарали сиёсат ва технологияларни жорий этиш муҳимдир.

- Инсон капиталининг ривожланишида барчага тенг имкониятлар яратиш учун рақамли имкониятларни кенгайтириш.

Шу билан бирга, рақамли иқтисодиёт шароитида инсон капитали ривожланиши жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётига замин яратади ва бу йўлдаги ҳаракатлар барқарор ва узоқ муддатли бўлиши керак.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ш.Мирзиёев. "Рақамли Ўзбекистон-2030" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. № 6079. <https://lex.uz/docs/5030957>
2. Schultz T. Capital Formation by Education //Journal of Political Economy. – 1980. – Vol. 68.
3. [Erik Brynjolfsson](#). [Andrew McAfee](#) The Second Machine Age. Work, Progress, and Prosperity in a Time of Brilliant Technologies. [https://wnnorton.com/books/the-second-machine-age/?utm\\_source](https://wnnorton.com/books/the-second-machine-age/?utm_source)
4. Перспективы цифровой экономики ОЭСР до 2024 года (Том 2) [https://www.oecd.org/en/publications/oecd-digital-economy-outlook-2024-volume-2\\_3adf705b-en.html](https://www.oecd.org/en/publications/oecd-digital-economy-outlook-2024-volume-2_3adf705b-en.html)
5. Chui, M., Manyika, J., & Miremadi, M. (2016). Where Machines Could Replace Humans—And Where They Can't (Yet). McKinsey. <https://www.scirp.org/reference/referencespapers?referenceid=3043585>
6. Ш.Шерматовнинг “Рақамли саводхонликни ривожлантириш дастури”. “Янги Ўзбекистон” газетасининг 2023 йил 17 сентябрь сониди <https://yuz.uz/news/raqamli-savodxonlikni-rivojlantirish-dasturi>

